*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
**21 ноябрь**
ШАНБА
**№ 93** (12833)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ КЎЗГУСИ

### *«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон матбуоти» V Миллий кўргазмаси ташкил этилди*

**Кўргазма Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.**



Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О. Юнусов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г. Алимова Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори Э. Искандаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг ахборот олишга доир ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ёшларнинг ўқишга бўлган меҳрини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, ноширлик соҳасида ҳам янгиланишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу медиа тузилмалар, нашриёт-матбаа ижодий уйларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, халқимиз учун мазмунан ва дизайн жиҳатдан юксак сифатли матбаа маҳсулотларини тақдим этиш борасидаги ишларда яққол ифодасини топмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий матбуот соҳаси равнақи йўлида ҳам янги босқични бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори медиа тузилмалар ишини янада такомиллаштириш, улар учун иқтисодий қулайликлар яратишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, матбаа корхоналарига берилган солиқ имтиёзлари натижасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарда жами 9,4 миллион доллар ҳажмидаги модернизация, техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан оммавий ахборот воситалари, полиграфия корхоналари, нашриётлар фаолиятига рухсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари 2 баробар камайтирилди.

2015 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, агентлик томонидан рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг сони 1422 тага, матбаа корхоналари 1677 тага, нашриётлар 112 тага етди.

"Ўзбекистон матбуоти" V Миллий кўргазмасида етакчи даврий босма нашрлари ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқларни намойиш этмоқда. Бу йилги кўргазмада марказий ва ҳудудий ёшлар нашрларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Нашриётимизда санъат ва адабиёт йўналиши билан бирга болалар учун 20 дан ортиқ нашрни тайёрлаш иш режасига киритилган, – дейди Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Илҳом Зойиров. – Жорий йилда "Мактаб адабиёти" лойиҳаси бўйича ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндаларининг 5-9-синфлар дарсликларига киритилган асарларининг тўлиқ варианти "Хрестоматия" тарзида нашр этилди. Ушбу кўргазма ота-оналар, ёш китобхонларнинг фикр-мулоҳазалари, китобларга бўлган эҳтиёжини ўрганган ҳолда келгуси йил учун иш режасини шакллантириш имконини беради.

– Кўргазма юртимиздаги аксарият нашриётлар, матбааа корхоналарининг фаолияти, ютуқ ва янгиликлари билан батафсил танишишда, мавжуд янгиликларни иш жараёнига кенгроқ жорий этишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди "Фарғона" нашриёти директори Назиржон Ҳошимов.

Лойиҳа доирасида "Болалар адабиёти" иккинчи матбаа кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ундан кўзланган мақсад мамлакатимиздаги нашриётлар томонидан чоп этилаётган болалар адабиётини кенг жамоатчиликка тақдим этиш, ота-оналар, ўқитувчилар, ёшларни бу борадаги янгиликлар билан кенг таништириш, навқирон авлоднинг мутолаа маданиятини оширишдан иборат. Кўргазмада юртимиздаги ўттиздан ортиқ нашриёт ва нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти,

*(Давоми 2-бетда).*

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

**"Бу ёруғ дунёнинг энг улуғ неъмати – отам-онам, оилам, фарзандларим меҳрига қониб яшашдек бахтни берган озод Ватан ардоғи ҳамиша кўксимни беадад шукроналик, фахр-ифтихор туйғуларига лиммо-лим этади..."**

## ВАТАН МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси оналик ва боланикни муҳофаза қилиш котибияти мудираси Насибахон Қулбекованинг дил изҳори замирида чуқур маъно-моҳият мужассам. Яқинда у Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси йўлланмаси билан "Ўзбекистонда молия секторини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси бўйича тажриба алмашиш мақсадида Германияда хизмат сафарида бўлиб келди. Мустақил Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро шундай имкониятга эга экани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, Конституциямизнинг 13-моддасида белгилаб қўйилганидек, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади..." Шунингдек, Конституциянинг IV боб, 17-моддасидаги ушбу сатрлар ҳам бугунги суҳбатимиз мавзуига асос бўла олади.

"...Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин".

Шу маънода, халқ фаровонлиги йўлидаги ҳар қандай саъй-ҳаракат инсонпарварлик тамойиллари устувор давлатимиз сиёсатига мос ҳолда доим қўллаб-қувватланмоқда. Бу борада Германия Халқаро ҳамкорлик жамғармаси "Ўзбекистонда молия секторини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси асосида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг миллий ҳамкор ташкилот сифатида "Аҳоли, айниқса аёллар ва ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш" бўйича олиб бораётган фаолияти диққатга сазовордир. Лойиҳанинг Тошкент вилояти маслаҳат гуруҳи раҳбари сифатида хизмат сафарига борган Насиба Қулбекованинг таассуротлари, фикр-мулоҳазалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

– Мен каби оддий қишлоқ қизининг дунё кезиши, чет элларга хизмат сафарига бориши ота-онамнинг айтишича, бир пайтлар фақат ширин тушдек гап экан, – дейди у. – Мустақиллигимиз туфайли менга Германия давлатига бориш насиб этгани ва бундан нечоғлик бахтиёр эканлигимни сўз билан таърифлаш қийин. Лекин, сафар давомида шунга амин бўлдим-ки, жаҳоннинг энг гўзал, тараққий этаётган давлатларидан бири – бу бизнинг мустақил Ўзбекистонимиздир. Зеро, кексаларимиз таъкидлаганларидек, тинчлик, фаровонликда гап кўп. Айниқса, жаҳоннинг не-не ривожланган мамлакатларидаги нотинчликлар, хунрезлик ва вайронгарчиликлар оқибатида бор-йўғидан, ҳатто жонидан жудо бўлаётганлар қисмати нечоғлик аянчли. Бизда эса, тинч, осуда ҳаётимизни янада фаровонлаштириш, жамият тараққиётини жадаллаштириш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бизнинг хизмат сафаримиздаги мақсад ҳам шу эди аслида.

Дастлаб ўзбекистонлик 17 масъул ходимни Германиянинг Кётон, Баттерфельд, Виллебург ва Лейпциг шаҳарларидаги семинарларга таклиф этишди. Баттерфельдда фермер хўжаликларидан бирининг фаолияти билан танишдик. Асосан ғалла, маккажўхори етиштирар экан. 30 та трактор, 9 та комбайни, бундан ташқари, 726 бош зотдор қорамоллари бор экан. Улардан ўрганадиган жиҳатлар, асосан, техникага эътибор ва муносабат ҳавас қиларли. Шунда ўзимизда ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаётган Оҳангарон, Паркент, Зангиота туманлари фермерлари кўз олдимга келди. Агар ўз вазифаси, бурчига янада масъулият билан қаралса, бошқалардан қолишмайдиган фермерлик ҳаракати гуркираши мумкин.

Аввало ўз юртингнинг бекиёс гўзаллиги, ҳаётбахш неъматлари, мустақиллик шарофатини ҳис этмоқ ва қиёсламоқ маъносида Германия сафари ҳаётимдаги энг муҳим аҳамиятга эга воқеалардан бири бўлди. Шунингдек, уларнинг молиялаштириш соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш билан бирга юртимизда хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга оид қонун ҳужжатлари ва имтиёзлар билан таништириш имконига эга бўлдим. Тинч-осуда, фаровон ҳаётимиз, яшаш, ишлаш, изланиш, интилишлар учун яратилаётган кенг шароитларга муносиб жавоб бериш биз ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Анжуман

## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТ ПОЗИЦИЯСИ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий матбуот марказида "Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда журналист позицияси: ютуқ, тажриба ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида республика конференциясини ташкил этди.**

Ўзбекистон Президентининг 2012 йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида белгилаб берилган вазифалар ижросига бағишланган тадбир Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилиб, қатнашчилар фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, юксак маънавиятли, дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган ёшларни камол топтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини, журналистларнинг фаол фуқаро сифатида тутган ўрнини кучайтириш, уларда таҳлилий-танқидий фикрлашни ва ижодий жараёнга янгича ёндашувларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди.





Республика конференциясида "ОАВ томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигининг ёритилиши мониторинги хулосалари", "ОАВда эълон қилинаётган таҳлилий-танқидий мақолалар самарадорлигини таъминлаш омиллари", "Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида таҳририят ва муассис ҳамкорлигининг роли", "Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда журналист позицияси: ютуқ, тажриба ва истиқболдаги вазифалар" мавзуларида маъруза ва мунозаралар бўлиб ўтди.

Шу куни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши ҳам ўтказилди. Унда уюшманинг бу йил амалга оширган ишлари ҳақида ҳисобот берилди. Миллий медиамуҳитни янада ривожлантириш ва уюшманинг шу борадаги ролини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ**
**олган суратлар.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ЎЗИНИ ЎЗИ АЛДАЁТГАНЛАР»

Газетанинг шу йил 31 октябрдаги 87-сонида юқоридаги сарлавҳа билан эълон қилинган танқидий мақолада Бўка тумани мактаб ва болалар боғчаларини куз-қиш мавсумига тайёрлашдаги сусткашлик ҳамда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида сўз юритилган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан вилоят молия бошқармаси бошлиғи Д. Убайдуллаев имзоси билан жавоб хати олди. Унда қуйидагилар баён этилган:

"Бўка тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги умумтаълим ва мактабгача таълим муассасалари харажатлар сметалари Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 2015 йил 20 февралдаги 20- ва 8-қўшма қарорлари билан тасдиқланган меъёрларга асосан режалаштирилган. Ушбу қарорга асосан туман умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш харажатлари учун 583,3 миллион сўм маблағ ажратилган.

Адлия вазирлигидан 2014 йилнинг 15 декабрида 2634-сон билан рўйхатдан ўтган "Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги йўриқнома талабларига мувофиқ, молиявий йил учун тузилган харажатлар сметалари бюджет ташкилоти томонидан тасдиқланиб, ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилади. Бунда маблағлар харажат турлари ҳамда йил чораклари бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан бюджет ташкилоти томонидан муассаса эҳтиёжидан келиб чиқиб тақсимланиши лозим.

Тумандаги ижтимоий соҳа муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мобайнида ташкилотлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, йил бошида тасдиқланган маблағларга қўшимча маблағлар ҳам ажратилган. Жумладан, 3-мактабгача таълим муассасаси биносини жорий таъмирлаш харажатига июль ойида 25 миллион сўм, кучли шамолдан зарар кўрган бино томини таъмирлаш учун 7,8 миллион сўм ажратилган. Худди шундай 12-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш учун 45 миллион сўм, 3-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш учун 16 миллион сўм қўшимча маблағлар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 120-моддасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"-ги қарори билан белгиланган тартиб бўйича бюджетдан ажратилган маблағлар тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида белгилаб берилган мақсадларга сарфланиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бўка тумани таълим соҳаси муассасаларини куз-қиз мавсумига тайёрлаш давомида юзага келган камчиликларни бартараф этиш учун маблағ маҳаллий ҳокимлик билан келишилган ҳолда маҳаллий бюджетнинг ички имкониятлари ҳисобидан ёки муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади".

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

**Ҳозирги кунда одамлар савдо-сотиқ қилиш, турли хизматлардан баҳраманд бўлиш, ахборот олиш каби эҳтиёжларини интернет орқали тез ва осон қондирмоқда.**

**Шу жиҳатдан глобал тармоқни ҳар қандай мижоз ўзи истаган маҳсулотни топа оладиган дўконга қиёслаш мумкин. Бироқ, супермаркетга эшикдан кирилса, "дунё дўкони"га дарчадан ўтилади. Столингиздаги компьютер монитори, қўлингиздаги мобиль телефон, уйингиздаги телевизор экрани – ўша дарча. Ундан етти иқлимга мўралаб, эҳтиёжингизга ярашасини танлаб олаверасиз. Супермаркетдан фарқи шундаки, унинг чегараси йўқ.**

## ЁШЛАР «ДУНЁ ДЎКОНИ»ДАН САРА МАҲСУЛОТЛАР ОЛСИН

Дарҳақиқат, бугун ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бу яхши, албатта. Ахир бундан чорак аср илгари қишлоқларда саноқли телефон бўларди. Бирон жойга қўнғироқ қилиш учун аввал коммутаторга буюртма берилиб, сўнг "уланиш" кутиб ўтирилларди. Бу гаплар ҳозирги ёшларга эртакдек туюлади. Чунки ҳаммасининг қўлида мобиль телефон. Хабар жўнатиш зарур бўлиб қолса, шундоқ интернетга кирадию исталган одамга бир зумда хат ёза олади.

Бугун интернет турфа ахборот ва билимлар манбаи, оммавий ахборот воситаси, инсон фаолиятининг барча соҳаларига тааллуқли хизматлар, турли компанияларнинг маълумотлар майдони, жаҳон бозорига энг тежамли ва тезкор усулда қўшилиш имконини берадиган ноёб восита вазифасини ўтамоқда.

Интернетнинг қулайлиги жуда кўп. Телефондаги суҳбатнинг ўн дақиқаси учун кетадиган харажатнинг ярми интернетга ажратилса, ундан бирон соат фойдаланиш мумкин. Глобал тармоқ орқали Ер шарининг бошқа қисмида бўлган инсон билан бемалол сўзлашиш, самолётга чипта, меҳмонхонадан жой буюртириш, савдо-сотиқ қилиш, энг сўнгги воқеалардан хабардор бўлиш, масофадан туриб ишбилармон шериклар билан видеоконференция ўрнатиш, музокара ўтказиш мумкин. Битмас-туганмас ахборот манбаи бўлган интернет орқали зарур илмий ва бадиий адабиётларни ўқиймиз, аккредитациядан ўтамиз ва ҳоказо.

Мамлакатимизда 2009 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра интернетдан фойдаланувчилар 2,6 миллион нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич салкам тўрт баробар ошди. Бугун деярли ҳар учинчи юртдошимиз интернетдан фойдаланаётир.

*(Давоми 2-бетда).*

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

# ЁШЛАР «ДУНЁ ДЎКОНИ»ДАН САРА МАҲСУЛОТЛАР ОЛСИН

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида ахборот технологиялари барча соҳага изчил татбиқ қилинмоқда, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш имконияти кенгайиб, хизматлар сифати ошиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб "UZ" сегменти 25 мингга яқин веб-сайтни бирлаштирган доменга айланди. Оператор ва провайдерлар ўртасидаги кучли рақобат телекоммуникация хизматлари бозорида юқори сифатли хизмат кўрсатиш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 120 дан ортиқ интернет провайдер ва оператор фаолияти лицензиялаштирилган. Уларнинг ҳар бири мижозлар учун ўзига хос тариф режаси, акция ва хизматларни таклиф этмоқда. Провайдерларнинг аксарияти трафик учун тўлов олмасдан Ўзнет тармоқлари – TAS-IXдан юқори тезликда симли фойдаланиш хизматларини кўрсатмоқда.

Интернет ва ахборот технологиялари ривожи халқимизнинг дунёга фаол интеграциялашаётганини англатса, иккинчи томондан, улардан фойдаланиш маданиятини янада юксалтиришни тақозо этмоқда.

Глобал тармоқ бежиз "жаҳон ўргимчак тўри" деб аталмаган. Бугун интернет жодуси кишиларни бирдек сеҳрлаб қўймоқда. Хавотирли томони шундаки, "дунё дўкони"да таклиф этилаётган маҳсулотларни сифатли ё сифатсиз, яхши ё ёмонга ажратиш наинки ёшлар, ҳатто катталар учун ҳам қийинчилик туғдирмоқда.

ЮНИСЕФ томонидан ташкил этилган сўровлар интернетдан фойдаланадиган 90 фоиз болалар ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Испаниянинг Болаларни ҳимоя қилиш агентлиги ("Child Protection Agency") маълумотларига кўра, интернетдан доимий равишда фойдаланувчи болаларнинг 44 фоизи виртуал мулоқот пайтида ҳеч бўлмаганда бир марта, 11 фоизи бир неча бор таъқиб остига олинади.

АҚШда ўтказилган тадқиқотда маълум бўлишича, 7-18 ёшдаги болаларнинг 80 фоизи ҳар куни электрон почтасига вирусли файл қабул қилади. Кибермаконда сайр қиладиган ҳар бешинчи бола турли таҳдидларга бир марта бўлса-да учрайди, ҳар тўртинчиси ёшига мос бўлмаган ахборотни олади.

Кузатувлар ижтимоий тармоқлар одамлар онгига мафкуравий таъсир ўтказишнинг ғоят ўткир қуролига айланганини кўрсатмоқда. Интернетдан ғаразли кучлар ўз ёвуз манфаатларини қондириш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётгани дунё жамоатчилигини ташвишлантирмоқда. Бу борада тегишли чоралар кўрилаётир. Шунга қарамай, глобал тармоқда ҳаммани, айниқса, болаларни ўзига ром этадиган ранг-баранг сайтлар, жозибадор ўйинлар кўпаймоқда.



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларимизнинг онгу қалбида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини кучайтириш, уларнинг маънавий оламини янада бойитиш, турли ахборот хуружларига қарши иммунитетини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Электрон таълим" лойиҳаси доирасида таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, кутубхоналарда сақланаётган нодир асарларнинг электрон вариантлари яратилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамкорлигида ўқув даргоҳларида ташкил қилинган махсус лойиҳа талабаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

– Лойиҳа доирасида тегишли мутахассислар иштирокида ўтказилаётган семинар-тренинглар давомида ахборот-коммуникация технологияларидан мақсадли фойдаланиш кўникмамизни, интернет орқали бўладиган ахборот хуружлари ҳақида билим ва тушунчаларимизни янада бойитмоқдамиз, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Нигора Эргашева. – Бугун интернетдан ҳикмат изласангиз ҳикмат, иллат қидирсангиз иллат топасиз. Шу сабаб ҳар биримиз ўзимизда ундан профессионал даражада фойдаланиш кўникмасини шакллантиришимиз керак. Аниқ мақсад билан компьютер олдига ўтирган кишигина вақтини беҳуда совурмайди, ғараз ниятли кучлар тузоғига тушиб қолмайди.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган "MIT.uz" миллий интернет-танлови мамлакатимизда соғлом ахборотлашган жамиятни шакллантириш, интернетда миллий сегментни бойитиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, миллий манфаатларимизга мос сайтларни кўпайтириш ва ёш веб-ихтирочиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лойиҳадан кўзланган мақсад танловга тақдим этилган сайтлар мазмунига қўйилган талабларда ҳам намоён бўлаётир. Жумладан, электрон тизимлар ёшлар аудиториясининг талаб ва қизиқишларига мос келиши, уларнинг билим ва дунёқарашини оширишга қаратилиши, ахборот олиш маданияти ҳамда ундан хавфсиз фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Сайтдаги маълумотларнинг аксарияти ёшлар учун мўлжалланиши, доимий равишда янги материаллар билан бойитиб борилиши, интерфаол рукнлар мунтазам янгиланиб турилиши зарур. Шунингдек, у визуал безатишнинг замонавий кўринишлари – юқори сифатли графика, дизайн, аудиторияга мос формат, ранглар мутаносиблиги каби талабларга жавоб бериши лозим.

– Танловни тарғиб қилиш ва ёшларни кенгроқ жалб этиш мақсадида ҳар бир номинация учун алоҳида видеоролик, таълим муассасаларига етказиш учун плакатлар туркуми тайёрланди, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши етакчи мутахассиси Бобур Жалолов. – Шу билан бирга, Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан жойларда уюштирилган ёшлар фестиваллари доирасида "Биз соғлом ахборот муҳити тарафдоримиз!" шиори остида танловнинг тарғибот акциялари ўтказилди. Ўттиздан ортиқ олий ўқув юртида ёш дастурчилар, веб-дизайнерлар, интернет сайтлари муаллифлари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Ижтимоий тармоқларда махсус саҳифа очилиб, ёшларнинг танлов ҳақида ўзаро фикр алмашишига имкон яратилди.

Йигит-қизларни изланиш ва ташаббускорликка ундаётган мазкур танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган йили танловга икки юздан ортиқ веб-сайт тақдим этилган бўлса, бу йил www.mit.uz сайтининг электрон манзилига қабул қилинган аризалар саккиз юздан ошгани лойиҳанинг кенг қулоч ёяётганидан далолатдир.

– Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар ўн миллиондан ошади, – дейди танлов ғолиби, www.fotofakt.uz сайти бош муҳаррири Икром Авалбоев. – Бу миллий ахборот муҳитини янада соғломлаштириш, дунё ахборот маконида миллий манфаатларни ўзида ифода этган сайтларни кўпайтириш нечоғлик долзарб эканини кўрсатади. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган сайтимизга ёшларнинг реал ҳаётини акс эттирган, соғлом ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган қизиқарли хабарлар, маълумот ва суратларни жойлаштирмоқдамиз. Интерфаол рукнлар мунтазам янгиланиб борилаётгани сайтнинг тез орада ёшлар доимо мурожаат қиладиган ахборот маконига айланишига сабаб бўлди.

Ҳа, ўз келажагини мустаҳкам пойдевор устига қуришни, жаҳонда ўз ўрнига, сўзига, ҳаёт тарзига эга бўлишни истаган халқ фарзандларининг маънавияти юксак, руҳи пок, эътиқоди бутун, иродаси бақувват бўлиши учун курашади. Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Муносабат

# ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ – ДАВР ТАЛАБИ

**Ўтган асримиз инсоният яратган кўплаб янгиликларнинг, техник ва маданий инқилобларнинг гувоҳи бўлди. Айни пайтда тарихда қонли уруш ва зўравонликларнинг ҳам ўчмас излари қолди. Тарихдаги ушбу хатолар такрорланишининг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида бугун инсоният олдида тинчликни сақлашдек муҳим вазифа турибди. Чунки, ер юзининг турли минтақаларида содир бўлаётган, моҳиятан бутун инсоният бошига хавф солиб турган нохуш ҳодисаларни таҳлил қилиб, уларнинг барчасига инсон омили бош сабабчи эканини сезиш қийин эмас. Бунга бошқа давлатларда бўлаётган хунрезликлар ёки яқинда Францияда содир этилган террористик хуружларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.**

Ўзбекистон Истиқлолнинг биринчи куниданоқ жаҳон ҳамжамияти олдида тинчлик маданиятини намойиш этиб, Юртбошимиз раҳбарлигида шу кунгача тинчлик маданиятини тарғиб этишга, минтақамизда ва давлатимизда тинчликни сақлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқаро ва минтақавий саммитларда, доимий фаолият кўрсатувчи семинарларда, анжуманларда, давлат ташрифлари ва бошқа нуфузли йиғилишларда сўзлаган нутқларида ўртага ташлаган фикрлари ва тинчликни таъминлаш борасидаги оқилона сиёсати юртимизда, минтақамизда ривожланишни, тинчликни таъминловчи барқарор таянчга айланганини таъкидлаш мумкин. Масалан, 1996 йил 23 апрелда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида Юртбошимиз Ўзбекистон ЮНЕСКО низомидаги асосий қоида, яъни кишилар онгига тинчлик ғоясини сингдириш ҳамда барқарор тараққиётга кўмаклашишга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини таъкидладилар.

2008 йил 2-4 апрелда Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП ҳамкорлик кенгаши саммитида Президентимиз минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида ўз фикрларини баён этар эканлар, қўшни Афғонистон давлатида ҳарбий йўл билан барқарорлик ва тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини асослаб бердилар. Айниқса қуйидаги фикрлари бутун жамоатчилик эътиборини ўзига тортди: "Кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, нафақат Афғонистон, балки бутун мусулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор".

Ҳеч қандай жамият ва давлатнинг келажагини ёшларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари 2013 йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Хотира майдонида қилган маърузаларида, **"Кундалик ҳаётимиздан сабоқ чиқариб, эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини бугун яратиб, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам, ким курашади, деган даъват билан яшаш барчамизнинг, аввалам бор, ёшларимизнинг – менинг фарзандларимнинг бурчига айланишини истардим"**, дедилар.

Ёшларда тинчлик маданиятини шакллантиришнинг долзарблиги шундаки, агар уларда ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий маданиятга асосланган тинчлик маданияти шаклланмаган бўлса, ер юзида тинчликни сақлаш, зўравонликка қарши кураш муаммоси ечим топмайди. Чунки, инсонларда шаклланган ҳар қандай маданиятнинг негизида тинчликка етакловчи мақсад ётади. Аксинча, тинчлик-тотувлик бўлмаган жойда маданиятнинг ҳеч қандай кўриниши шаклланмайди ва ривож топмайди. Бунга мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаёт эвазига эришилган ва шиддат билан ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ютуқларимиз яққол далил бўлса, аксинча қўшни Афғонистон ҳудудида миллат ва элатлар ўртасидаги зиддиятлар, турли қарама-қаршиликлар боис юзага келган нотинчлик оқибатида мамлакат тараққиёти орқага кетмоқда.

Дарҳақиқат, тинчлик бор юртга байрам ва тўйлар ярашади деганларидек, мамлакатимизда янги-янги бунёдкорлик ишлари, турли танлов ва спартакиадалар ўтказилмоқда. Президентимиз **"Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир"** номли китобларида ҳам **"Бизнинг қарияларимиз, юздан ошган мўътабар отахон ва онахонларимиз юртимиз тинч ва осойишта, ҳаётимиз фаровон бўлсин деб, бугунги кунимизга шукроналар айтади. Чунки ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак"**, деб таъкидлайдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиб яшаш лозим. Тинчлик ҳукм сургани учун ҳам биз буюк бунёдкорлик ишларини шиддат билан давом эттирмоқдамиз. Мамлакатимиз тақдирига бефарқ бўлмай, огоҳ ва ҳушёр яшаш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчидир.

**Раъно ТУРДИБОЕВА,**
**ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи директори, юридик фанлари номзоди, доцент.**

# МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ КЎЗГУСИ

уларда чоп этилаётган китоблар, қўлланмалар, газета ва журнал ҳамда бошқа матбаа маҳсулотлари билан танишиш мумкин.

Шу куни "Йилнинг энг яхши китоби" республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари аниқланиб, уларга дипломлар топширилди.

Кўргазма доирасида нашриётлар томонидан кейинги йилларда чоп этилган янги китоблар тақдимоти, китоблар савдоси, таниқли шоир ва ёзувчилар, ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар ўтказилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давра суҳбати

# ОИЛА – НАЖОТ МАСКАНИ

**Инсон – ҳаёт синовларига мардона бардош берадиган энг олий ҳилқат. Аммо, ҳаётда шундай мушкулотлар бўладики, уни ёлғиз енгиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда дунё аҳлини ташвишга солаётган "аср муаммоси" – ОИВ (одам иммунитет танқислиги вируси) ва ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллигидир. Давоси йўқ бу хасталикка қарши курашишнинг бирдан-бир йўли унинг олдини олишдир.**



Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ҳамкорлигида "ОИВ инфекциясининг олдини олишда оиланинг аҳамияти" мавзуида ўтказилган давра суҳбати шу маънода одамларда инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат туйғулари, оила масъулиятининг янада ортишига хизмат қилиши табиий. Зеро, ҳар бир инсон ўз яқинлари, оиласи билан тўкис ҳаёт кечириши, қийинчиликларни биргаликда енгиши мумкин.

Тадбирда мутахассис ходимларнинг ОИТС тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, унинг аянчли оқибатлари, бу иллатга қарши курашишда энг аввал беморнинг яқинлари, оиласининг меҳри каби инсоний фазилатларнинг беқиёс таъсири ҳақидаги қизиқарли суҳбатлари йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди. Шунингдек, инсон ҳаётининг кушандаси бўлган бундай иллатнинг олдини олишда энг зарур, муҳим омил – огоҳлик, ҳушёрлик экани алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбатида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Молиявий саводхонлик

**Жамиятнинг гуллаб-яшнашида муҳим ўрин тутувчи ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши, ишонч билан олға интилиши учун зарур бўладиган муҳим омиллардан бири молиявий саводхонликдир.**

# ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамғармаси кассалари фонди кўмагида амалга оширилаётган "Ўзбекистонда молия секторини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган.

Зангиота туманидаги ахборот маслаҳат марказида ташкил этилган семинар ҳам касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчилари ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган кенг имкониятлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларга бу борада янада кенгроқ тушунчалар бериш масалаларига қаратилди. Қатнашчилар тадбиркорлик соҳасидаги тажрибаларини ўртоқлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ҳамда таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Семинар ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**



Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# КЎНГИЛСИЗЛИК САБАБИ – БЕПАРВОЛИК

**Республика Президентининг 2015 йил 7 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2015-2016 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш, аҳолининг табиий газдан ноқонуний, яъни қоидага зид қўлбола мосламалардан фойдаланиш ҳолларини аниқлаб, уларни бартараф этиш ҳамда келиб чиқадиган кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, тегишли идоралар ҳамда жамоатчилик вакилларидан тузилган гуруҳлар томонидан 4401 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг (ХУЖМШ) 1417 таси, 9040 та маҳалланинг 4250 тасида ўрганишлар ўтказилиб, бугунги кунда ХУЖМШ тасарруфидаги ва маҳаллалардаги 35 минг 280 та кўп қаватли уйнинг 11 минг 580 таси ҳамда 5 млн. 384 минг 783 та аҳоли турар-жойларининг 1 млн. 321 минг 229 таси (24,5 фоизи) текшириб чиқилди.**

Профилактик ўрганишлар давомида 28 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар текширилиб, ностандарт шланглар орқали газ мосламаларига уланиш, носоз газ таъминотидан ва қўлбола газ печларидан, табиий газдан ҳамда газ сўрғичларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли идора вакиллари билан ҳамкорликда бугунги кунга қадар аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Йилнинг ўтган 10 ойи давомида содир бўлган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, айнан газ ускуна ва мосламаларидан фуқароларнинг нотўғри фойдаланишлари, ота-оналарнинг ёш болаларга ишониб, газдан фойдаланишга рухсат беришлари, уйни газ плиталарини ёқиб иситишлари оқибатида 1190 та ёнғин содир бўлган. Одамларнинг бундай лоқайдлиги қанча моддий зарар келтирганини айтмасак ҳам бўлади.

Табиий газдан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик охир-оқибат одамларнинг тан жароҳати олиши ва ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин. Айниқса, ёш болаларнинг бир умр ногирон бўлиб қолишлари аянчли ҳолдир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг ўтган 10 ойи давомида республикада 10 минг 531 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг 66,1 фоизи аҳоли турар-жойларида юз берди.

**Жаҳонгир ТУРОБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ муҳандиси.**

**Куз кунлари йўл четларида бурсиқиб ётган хазон уюмларини кўрганда ёшликда ўқиган бир ҳикоянинг бошланиши ёдимга тушаверади: "Шаҳар кўчаларида ҳар куни хазон ёқилади". Авваллари болалигимга бориб, бу гапга эътибор бермаган эканман. Энди эса касбим тақозоси билан бу гап замирида қанчалар хавотир ва ачиниш борлигини тушуниб етдим.**

# МАВСУМ МУАММОЛАРИ

Яқинда кўп қаватли уйлар ҳовлисида бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Бир аёл ҳовли супуриб, хазонларини тўплади-да, ёқа бошлади. Ахлат остидаги ёнмай қолган нам барглар узоқ вақт тутаб, ҳавони булғаяпти, энг ёмони – одамлар саломатлигига зарар етказаяпти. Олов ўйнаш жон-дили бўлган болалар хазон ёқишни давом эттиришади, яъни катталардан ўрнак оладилар. Бунинг устига ёнғин хавфсизлиги хизматига ёлғон хабар йўллайдилар. Айни шу ёлғон чақириқ пайтида бошқа жойда ҳам ёнғин бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

**Убайдулла ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**12-ҲЁХО инспектори.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

# БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

**Бўстонлиқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1040 ўқувчи таълим олмоқда.**

– Асосий вазифамиз болаларни спортга янада кенгроқ жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат, – дейди мактаб директори Нурмахон Нурбоев. – Айни пайтда ўқувчиларимиз спортнинг бокс, футбол, кураш, баскетбол, бадиий гимнастика йўналишлари бўйича шуғулланиб, вилоят ва республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар.

Мадумар Қувондиқов, Жанбулат Каипбеков, Марат Саидаҳмедов, Нуркен Ибодуллаев, Қанат Абдуллаев бокс бўйича вилоят ҳамда республика чемпионатларида совринли ўринларни эгаллашди. Яқинда мактабнинг яна бир иқтидорли ўқувчиси Элнур Абдураҳмонов бокс бўйича Болгарияда ўтказилган мусобақада 3-ўрин соҳиби бўлди. Энди у 25 ноябрдан 2 декабрга қадар Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Мураббийларнинг таъкидлашича, Элнур бу мусобақада вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилади.

**Бектош ИСМОИЛОВ.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**



**6-15 октябрь кунлари Қатарнинг Доҳа шаҳрида бокс бўйича XVIII Жаҳон чемпионатида иштирок этган вилоятимиз вакили Фазлиддин Ғоибназаров кумуш медаль билан тақдирланди ва 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.**



# ФАЗЛИДДИН РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРОГА БОРАДИ

"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти қошидаги спорт мажмуаси болалар ўртасида спортни оммалаштириш билан бирга, кўплаб иқтидорли спортчиларни тарбиялаб бераётир. Бугун бу ерда ёшлар спортнинг бокс, кураш, гимнастика сингари 10 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланиб, мамлакат ички чемпионатлари ва дунёнинг турли давлатларида ўтаётган нуфузли спорт мусобақаларида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

Бекободда униб-ўсган Фазлиддин бокс бўйича илк сабоқларни шу спорт мажмуида тажрибали мураббий Аброр Тошпўлатовдан олди. Истеъдодли спортчи тўрт карра Ўзбекистон чемпионати, Осиё чемпионати ва Жаҳон ёшлар универсиада ўйинлари, бундан тўрт йил олдин Озарбайжоннинг Баку шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатининг кумуш медаль соҳиби, яна қатор нуфузли халқаро мусобақалар ғолиби.

– Қаерда ва қачон рингга чиқмай, менга билдирилаётган ишонч ҳамиша далда бўлади, – дейди Фазлиддин Ғоибназаров. – Дунёнинг энг кучли спортчилари қатнашган ушбу Жаҳон чемпионатида ҳам юртдошларимнинг ишончини оқлаш учун бор куч ва имкониятимни ишга солдим. Энди асосий мақсадим – пухта тайёргарлик кўриб, 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олиш.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## XXI аср ва ДУНЁ

### КЎЧКИ ҚУРБОНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Илгари хабар қилинганидек, Шарқий Хитойнинг Лишуй округидаги қишлоқлардан бирида юз берган ер кўчкиси қурбонлари кўпайиб бормоқда.**

Синхуа агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, табиий офат қурбонлари 35 кишига етди. Яна икки киши ҳамон бедарак йўқолганлар рўйхатида турибди. Ўтган даврда бир киши харобалар остидан қутқариб олинди. Врачларнинг сўзига қараганда, унинг аҳволи яхши.

Маълумки, қишлоқдаги 27 та уй кўчки остида қолганди. Махсус қутқарув хизмати Хитой халқ қутқарув армияси ҳарбий хизматчилари ҳамда полициячилар ҳамкорлигида харобаларни тозалаш ва қурбонларни қидириш ишларини давом эттирмоқда.



Эндиликда янги кўчкилар содир бўлиши хавфи борлиги сабабли қишлоқнинг 300 дан зиёд аҳолиси хавфсиз жойга кўчирилди.

### КЎЧМАНЧИЛАР БЕДАРАК ЙЎҚОЛДИ

**EFE агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, Канар ороллари соҳилларида йўловчилар қайиғи ҳалокатга учраганлиги оқибатида камида 24 киши бедарак йўқолди.**

Агентликнинг маълумотига кўра, бортида 46 кўчманчи бўлган кема Гран-Канария оролидан 237 километр жануброқда сувга ғарқ бўлган. Бедарак йўқолганларни қидириш давом этмоқда. Агар қочоқларни қидириб топишга эришилмаса, бу 2006 йилдан буёнги энг йирик фожиа бўлиб қолади. Маълумки, ўша йили юз берган кема ҳалокати натижасида 45 киши қурбон бўлган эди.



### БЛАТТЕР ВА ПЛАТИНИ ШИКОЯТИ РАД ЭТИЛДИ

**Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)нинг апелляция қўмитаси ушбу ташкилот собиқ президенти Йозеф Блаттер ва Европа футбол федерацияси (УЕФА) раҳбари Мишел Платинининг уларни футбол фаолиятидан вақтинча четлаштириш тўғрисидаги қарорга нисбатан шикоят аризалари рад этилди.**



ФИФА матбуот хизмати тарқатган хабарда айтилишича, ФИФАнинг ахлоқ масалалари бўйича қўмитаси Арбитраж палатасининг шу ҳақдаги қарорини апелляция қўмитаси тўла маъқуллаган. Бироқ, у ўз қарорида таъкидладики, ахлоқ масалалари бўйича қўмита тергов ишларини давом эттирмоқда. Унинг натижаларига мувофиқ, ушбу икки амалдорни футбол фаолиятидан четлаштириш тўғрисидаги масалани тўхтатиш ёки муддатини узайтириш хусусида қарор қабул қилиниши мумкин.

Маълумки, шу йил май ойида Цюрихда ФИФАнинг 8 нафар юқори лавозимли ходимлари АҚШ ҳукуматининг сўрови билан ҳибсга олинган эди. Ўшанда Швейцария ҳукумати 2018 ва 2022 йиллардаги Жаҳон футбол чемпионати эгалари, яъни Россия ва Қатар мамлакатлари қай йўсинда танлангани устидан тергов бошлаганини маълум қилганди. Кейинчалик ФИФАнинг ахлоқ масалалари бўйича қўмитаси Арбитраж палатаси ФИФА президенти Йозеф Блаттер, УЕФА президенти Мишел Платини ва ФИФАнинг бош котиби Жером Валкени барча лавозимлардан 90 кунга четлаштирган эди. 12 ноябрга келиб, халқаро футбол федерацияси раҳбари лавозимига беш номзоддан иборат рўйхатга Платинининг киритилмагани ҳам маълум бўлди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Ҳафталик доирасида

# БОЛАЖОНЛАРНИНГ МОДА ФЕСТИВАЛИ

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остидаги Ёшлар ҳафталиги доирасида "Болажонлар – ширинтойлар" болалар мода фестивали бўлиб ўтди.**

"Осиё рамзи" Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда маҳоратли ижодкорлар, ёш дизайнерлар, болалар ижодиёти марказлари, юртимиздаги қатор мода мактабларининг вакиллари қатнашди.

Унда болалар ва ўсмирларга мўлжалланган, замонавий тенденция ва миллий анъаналаримизни ўзида мужассам этган ранг-баранг ва бежирим либослар коллекцияси кенг омма эътиборига ҳавола қилинди.

– Мамлакатимизда болажонлар билим олиши ва касб-ҳунарга ошно бўлиши билан бир қаторда уларнинг кийиниш маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир, – дейди "Осиё рамзи" Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси раиси Холида Комилова. – Болалар мода индустрияси ривожланиб бормоқда. Бугунги фестиваль ва унда иштирок этиб, ўз маҳоратини намоён қилаётган ёш дизайнерлар ижоди бунинг яққол исботидир. Айни пайтда 20 нафар истеъдодли ижодкор яратган либослар тўплами мода ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинди. Қувонарлиси, уларнинг ижодий эскизларини тугаллашда болажонларнинг ўзлари ҳам дизайнер сифатида иштирок этди.

"Болажонлар – ширинтойлар" болалар мода фестивали навқирон авлоднинг кийиниш одобини шакллантириш, эстетик дид ва маданиятни камол топтириш, ёш модель ва модельерлар ўртасида янги номларни кашф этиш, болалар либослари яратувчилари ва ишлаб чиқарувчилари ўртасида алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу фестиваль болалар учун мўлжалланган либослар қандай бўлиши, кичкинтойлар нимани афзал кўриши, ота-оналарнинг бу борадаги фикрлари ва дизайнерларнинг тавсияларини аниқлашга қаратилган. Тадбирда болалар учун маҳаллий матолардан экологик тоза либослар яратиш ғояси илгари сурилган бўлиб, дизайнер ва модельерларга тажриба ҳамда фикр алмашиш имконини бермоқда.

Фестивалда профессионал дизайнерлар билан бир қаторда олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ўқувчилари, якка тартибда фаолият юритаётган дизайнерлар иштирок этди.

Намойишда ёш дизайнер Дурдона Турғунованинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига тегишли сўзана нақшлари аппликация усулида туширилган, бадиий гимнастикачи қизларнинг спорт либослари иштирокчилар эътиборини тортди.

– Болаларга либос яратишдан олдин ўзимнинг ёшлигим кўз олдимда гавдаланади, – дейди у. – Бу даврдаги беғуборлик, шўхлигу эзгу ҳисларга лиммо-лим ҳаяжонни тасвирлаш қийин. Бугунги фестивалда "Чемпион қизлар либоси" деб номланган янги коллекциям билан қатнашаяпман. Мазкур намойиш мен учун маҳорат мактаби, ижодий изланиш ва рағбат бахш этувчи онларга тўла айёмдир.

Мазкур фестивалга тақдим этилган болалар либосларининг энг яхши намуналари мамлакатимиздаги тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун тавсия этилади.

**Азима ҚИЁСОВА, ЎзА мухбири.**

Куз манзаралари

## ЁМҒИР

Куз охирлаётганига қарамай, ҳаво очиқ, салгина эсаётган шабада дарахтларнинг тилларанг япроқларини атрофга учиради. Бирдан шабада шамолга айланди ва ёмғир ёға бошлади. Кўчада коптоқ тепаётган болакайлар зумда уй-уйларига кириб кетишди. Эшиги тагига курсича қўйиб, ўтган-кетганлар билан саломалик қилиб ўтирган кампир аллақачон иссиққина уйида. Далада картошка кавлаётган деҳқон чайласига яширинди.

Шамол кучайиб, пешайвонга косада қаймоқ осиш учун илинган чамбаракларни тебратар, ҳали болохонага олиб улгурилмаган сомон майдалари ҳовлига гиламдек тўшаларди.



Томорқа этагидаги молхонада сигир соғаётган она бирдан болаларидан хавотирга тушди. "Учаласи кўчада эди. Уйга киришдимикин?" Сутчелакни бир четга қўйиб, уйга кирди. Ҳали уч ёшга тўлмаган ўғилчаси йўқ! Кўчага чопди – йўқ, қўшниларининикига чиқди – йўқ! Болакайнинг кўча адоғидаги сой бўйида туриб, сувда сузаётган ўрдакларни томоша қилишни яхши кўриши ёдига тушди. Ўша ёққа югурди. Янглишмаган экан. Болакай дўмбоқ қўлидаги тол хивични силкитиб: "Боринглар уйингизга, боринглар!" деб оппоқ ўрдакларни чўчитмоқчи бўлар, шаррос қуяётган ёмғирга парво қилмасди...

## СИЗЛАРГА ИЛИНДИК

Эшик қия очилиб, кимдир чақиргандек бўлди.

– Кираверинг, – овоз келди ичкаридан, – эшик очиқ.

– Мен қўшнингиз бўламан, – чиройли уй кийимидаги аёл йўлакка ийманибгина қадам қўйди. Қўлидаги катта тоғорада новвотранг ҳусайни узум товланиб турарди.

У бу аёлни илгари кўрмаган эди, шунинг учун қайси қўшнимиз экан, дея тикилиб қолди. Аёл сезгир экан, буни пайқади шекилли, дарров қўшимча қилди:

– Ён қўшнингизман, ҳали кўчиб келмаганмиз. Узумларимиз тоза пишиб кетибди. Узиб олдик. Сизларга ҳам илиниб, олиб чиққандим.

Уйидагилар аёлни танишаркан: "Вой, бу фалончи-ку", деб уни ичкарига таклиф этишди. Лекин у кўнмади: "Бирровга келувдик, ҳали яхши қўшничилик қиламиз", деб кўчада кутиб турган ўғлининг машинаси томон кетди.

Гарчи ўзларининг ишкомларида ҳам узум бўлса-да, меҳр-оқибати туфайли ҳали кўчиб келмаган янги қўшнига ҳурматлари ошди.

## ЭСДАЛИК

Бу ҳовлига кўпларнинг ҳаваси келади. Баҳордан кеч кузгача мевалар ғарқ пишади. Гуллар чаман бўлиб очилади, ҳовли этагида эса мавсумга қараб қулупнай, бодринг ва ошкўклар барқ уради.

Куз оёқлаётганда уй эгаси ҳовлисини тартибга келтираётиб, сон-саноқсиз туваклардаги ранг-баранг гулларга кўзи тушди. Улар ҳамон баҳордагидек чаман очилиб турар, кўрган кишининг кўнглини яйратарди.

– Буларни кўпайтириб юборибмиз-ку, энди қаерда сақлаймиз? – сўради у хотинидан.

– Бир дугонамнинг буларга жуда ҳаваси келди. Бўлмаса, ўзи гулчи. "Менга беринглар, сотиб бераман" деганди. Шунга...

Эр қўл силтади:

– Э, қўй-э! Бизнинг касбимиз гулчилик эмас.

– Бўлмаса нима қиламиз? Ҳаммаси уй ичига сиғмаса, эртага қор ёғса, совуқ уриб кетади-ку.

– Шунинг учун, – деди эр бамайлихотир, – буларни маҳалламиздаги боғчага топшир. Биласан, боғча яқинда чиройли таъмирдан чиққан. Кираверишдан тортиб, хоналаргача безаб турсин. Набираларимизга биздан эсдалик.

**Абдусаттор ҲОТАМОВ.**



Жиноятга жазо муқаррар

# ЛОҚАЙДЛИК – ЭНГ ХАВФЛИ ДУШМАН

**Одатда меҳмондорчилик, борди-келди удумларимиз совға-салом билан тўкислик касб этади. Тўғрида, бирор жойга таклиф этишса, энг аввал олиб борадиган совға-салом, тоғора-патнисини ўйлаб қоламиз. Узоққа борсак-ку, ҳафталаб тайёргарлик кўрамиз. Андижоннинг Марҳаматидан Қозоғистоннинг Остонасига йўл олган Ҳомиджон Абдураҳимов ҳам уйига қайтар чоғи таниши Жалолиддиндан аввал ишлатилган "emachines" русумли ноутбук сотиб олди. Уйидагиларга совғами, ё бошқа мақсаддами... ҳар ҳолда совғамисан-совғада... Аммо, "Ғишт кўприк"даги божхона постидан ўтар чоғи, зийрак назоратчилар ноутбук хотирасида қандайдир шубҳали ёзувлар борлигини пайқаб қолишди...**

Маълум бўлишича, улар эркин, озод ҳаётимиз, мустақиллигимизни кўролмайдиган, давлатимиз тузумига қарши қаратилган, "жиҳод", "ҳижрат", кофирларга қарши курашиш ҳақидаги ақидапарастлик ғояларини тарғиб этувчи маърузалардан иборат 53 дона видеофайллар экан.

Албатта, Ҳ. Абдураҳимов ўзининг бундан бехабар эканини, шунингдек, ноутбукдан фойдаланишни билмаслигини, агар билганида бу файлларни ўчириб ташлаган бўлишини айтди. Бу жиноятни билмай қилиб қўйгани, аслида булар Ўзбекистон Республикаси душманларининг хатти-ҳаракатлари эканини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқидан астойдил кечирим сўрашини таъкидлади.

Аммо, қонун ўз номи билан қонун! Унга амал қилиш ҳар бир ўзбекистонликнинг бурчи. Ахир, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "...ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда, ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим".

Алҳол, Ҳ. Абдураҳимовнинг таъбири билан айтганда, лоқайдлик оқибатида "билмай қолиб" Ўзбекистонга олиб кираётган давлатимиз тузумига қарши қаратилган бузғунчи, вайронкор ғоялар халқимиз ҳаёти, юртимиз дахлсизлиги учун жиддий хавф туғдириши айни ҳақиқат.

Демак, қонун олдида барча бирдек жавобгар. Агар, бу ҳолатнинг қандай оқибатларга олиб келишини ўйласак, суд ҳайъатининг судланувчи Ҳ. Абдураҳимовга нисбатан қўллаган 5 йиллик озодликдан маҳрум этиш жазоси ҳар томонлама адолатли, ҳаққоний кўрилган чора дейиш мумкин. Ўз навбатида, суд ҳайъати Ҳ. Абдураҳимовга нисбатан жазо масаласини муҳокама қилиб, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррар тамойилларига риоя қилиб, жиноят содир этиш усули, вазият ва оқибати ҳамда яна бошқа қатор жиҳатларни эътиборга олиб, жазо тайинланганини таъкидлайди.

Қисқаси, "Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма", деган мақол бежиз айтилмаган. Ҳар қандай лоқайдлик жиноятни келтириб чиқаради. Шу маънода ҳушёрлик, огоҳлик, сергаклик бугуннинг энг долзарб талаби экани шубҳасиз. Зеро, тинчлигимиз, эрку бахтимиз, озод ҳаётимиз, фаровон турмушимиз кафолати ўз қўлимизда.

**Зуҳра РАҲМОНОВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4450. Адади 7515. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.